



**“Раҳбар қабулига ёзилиш”
интерактив хизматининг регламенти**

1. Хизмат таърифи.

1.1. Хизмат номланиши.

Тошкент архитектура қурилиш институти (кейинги ўринларда - ТАҚИ) расмий веб-сайти орқали “Раҳбар қабулига ёзилиш”.

1.2. Хизмат натижаси.

ТАҚИ раҳбарияти қабулига кириш учун ташриф буюриш санаси ва вақти кўрсатилган хабарноманинг фойдаланувчига жўнатилиши.

1.3. Хизмат кўрсатувчи.

Хизмат ТАҚИ томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар.

- Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонуни.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жисмоний ва юридик шахслар марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва “Электрон ҳукумат” тизими фойдаланувчиларини идентификациялашнинг ягона ахборот тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2015 йил 17 декабрдаги 365-сонли қарори.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2007 йил 181-сонли қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар.

Жисмоний шахслар.

1.6. Ариза бериш муддатлари.

Муддати чекланмаган.

1.7. Бажарилиш муддати.

3 иш куни.

2. Хизматдан фойдаланувчини хабардор қилиш.

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми.

Мазкур хизматдан фойдаланиш учун мурожаат қилган ҳар қандай фойдаланувчига қуйидаги ахборот тақдим этилади:

- хизмат кўрсатувчи органнинг жойлашган жойи, иш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқиш шартлари ва тартиби ҳақида маълумот;
- хизматнинг регламенти мавжудлиги тўғрисида маълумот.

2.2. Батафсил маълумот олиш.

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

ТАҚИ манзили кўрсатилади

3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

3.1. Иш вақтлари.

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: ҳафтанинг душанба-жума, соат 9⁰⁰ дан 18⁰⁰ га қадар.

3.2. Кутиш шартлари.

3 иш куни.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар.

- ЭРИ (электрон рақамли имзо);
- жисмоний шахснинг шахсий идентификацион рақами (ПИНФЛ).
(қўшимча ҳужжатлар талаб этилса кўрсатисин)

4.2. Хизмат тўлови.

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

- id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.
- “Интерактив хизматлар” бўлиmidан “Раҳбар қабулига ёзилиш” хизмати танланади;
- жисмоний шахснинг идентификацион рақами (ПИНФЛ) киритилади;
- қабулига ёзилишни истаган раҳбар ходим танланади;
- қабул куни танланади;
- раҳбар қабулидан мақсад мавзуси танланади;
- масаланинг мазмуни киритилади;
- оммавий оферта билан танишганлик тасдиқланиб, “ЭРИ орқали тасдиқлаб юбориш” танланади ва ариза юборилади.
(қўшимча босқичлар бўлса кўрсатилсин).

4.4. Хизмат кўрсатишнинг ички идоравий жараёни.

ТАҚИ масъул ходими (масъул ходимнинг Ф.И.Ш., лавозими, телефон рақами киритилади):

- келиб тушган аризани қабул қилади;
- фойдаланувчига раҳбар қабулига ёзилган куни ва вақти кўрсатилган маълумотни 3 иш кунлик муддат ичида электрон шаклда юборади.

4.5. Рад этиш сабаблари.


Ҳақиқий бўлмаган маълумотларнинг тақдим этилиши.

5. Хизмат кўрсатиш сифати.


3.1. Шикоят аризасини бериш тартиби

Рад этиш ҳолларида фойдаланувчи юқори турувчи ташкилотга қонунда кўрсатилган тартибда мурожаат этиши мумкин.

“КИРИТИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Ректор ёрдамчиси


Ж.Ахмедов
“ 08 ” “ ” 2017 й.

“КЕЛИШИЛДИ”
Тошкент архитектура
қурилиш институти
Ахборот технологиялари
маркази бошлиғи


Э.Умматов
“ 08 ” “ ” 2017 й.